4. Далилларнинг ... каби манбалари бор.

А) айбдорлар;

Б) А, С;

С) фуқаровий жавобгарлар;

Д) гумон қилинувчилар.

5. ... исбот қилиш предметига киради.

А) жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар;

Б) гумон қилинувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатлар;

С) А, Б, Д;

Д) жиноят содир этишнинг усули.

6. ... исбот қилиш субъектлари ҳисобланадилар.

А) суриштирувчи, терговчи;

Б) прокурор, суд;

С) эксперт, суд мажлиси котиби;

Д) А, Б.

7. Далиллар қандай хусусиятларига кўра баҳоланади?

А) далилнинг кўплигига;

Б) далилнинг мақбуллигига;

С) далилларнинг одилоналигига;

Д) барча жавоблар тўғри.

Далилни мақбул деб топиш учун у қуйидаги талабларга жавоб бериши шарт:

Далилларни олиш тергов ва суд ҳаракатларини ўтказишга ваколатли бўлган субъект томонидангина амалга оширилиши;


Далил олинадиган манбанинг қонуний бўлиши;

Далилнинг процессуал расмийлаштирилиши;

Далилни олиш усулининг қонуний бўлиши.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги 2004 йил 24 сентябрдаги 12-сонли Қарори.

Қуйидаги ҳолларда далиллар номақбул деб топилади:



МАВЗУ 8: СУД БОСҚИЧИГА ҚАДАР ИСБОТ ҚИЛИШ

1. Маъруза учун ажратилган соат – 2

2. Семинар учун ажратилган соат - 2

Кўриб чиқиладиган саволлар:

3. Жиноят ишини қўзғатиш босқичида исбот қилиш мақсади, предмети ва моҳияти.

4. Жиноят иши қўзғатиш ёхуд қўзғатишни рад қилиш асослари тўғрисидаги маълумотлар ва уларнинг хусусиятлари.

5. Дастлабки тергов босқичида исбот қилиш мақсади ва предмети.

6. Жиноятларни очишда тергов тусмоллари.

7. Жиноят ишида шахсни айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисида қарор қабул қилишда ва дастлабки терговни тамомлашда терговчи хулосаларининг хусусиятлари.

8. Далилларга баҳо беришда ва қарор қабул қилишда терговчи ва суриштирувчининг мустақиллиги чегараси.

9. Дастлабки терговни тамомлашда илтимосларни ҳал қилиш ва фактик ҳолатларни аниқлаш. Ишни судга юбориш босқичида исботлашнинг мақсади ва предмети.

Фойдаланиладиган асосий дарслик ва ўқув қўлланмалар ҳамда қўшимча адабиётлар рўйхати:

I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 40 б.;

2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси: Расмий нашр. – Тошкент: Адолат, 2010. – 672 б.;

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 2004 йил 24 сентябрдаги 12-сонли қарори. // Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами: 1991-2006. Т.2. – Т.: Адолат, 2007. – 188-192 б.

II. Асосий адабиётлар:

1. Иномжонов Ш.Х. Жиноят процессида далиллар такдим қилиш ва фойдаланиш муаммолари. – Т.: Адолат, 2003. – 178 б.;
2. Иноғомжонова З.Ф., Тўлаганова Г.З. Жиноят процесси иштирокчилари: Ўқув қўлланма. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2007. – 160 б.;
3. Иноғомжонова З.Ф., Тўлаганова Г.З. Алоҳида тоифадаги жиноят ишлари бўйича иш юритиш: Ўқув қўлланма. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009. – 113 б.;
4. Файзиев Ш.Ф., Мамадиев С.Н. Проблемы теории доказательств: Учебно-методическое пособие. – Т.: Издательство ТГЮИ, 2008. – 39 б.;
5. Файзиев Ш.Ф. Жиноят процессуал ҳуқуқи. Махсус қисм. Саволлар ва жавоблар: Ўқув услубий мажмуа. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2011. – 300 б.;
6. Хидоятлов Б.Б., Рахманова Б.М., Тухташева У.А. Проблемы теории доказательств. – Т.: ТГЮИ, 2007. – 128 б.;
7. Хидоятлов Б.Б. Уголовный процесс: Учебно-методическое пособие. – Т.: ТГЮИ, 2008. – 289 б.

III. Қўшимча адабиётлар:

1. Безлепкин Б.Т. Уголовный процесс в вопросах и ответах: Учебное пособие. / 6-е изд., перераб. и доп. – М.: Проспект, 2010. – 304 б.;
2. Иноғомжонова З.Ф. Дастлабки тергов ва жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш босқичларида суд назорати: Монография. – Т.: ТДЮИ, 2006. – 156 б.;
3. Иноғомжонова З.Ф. Жиноят процессида ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текширишда суд назорати – Т.: ТДЮИ, 2006. – 147 б.;
4. Пўлатов Б.Х. Давлат айбловчисини судда далилларни текширишда иштироки: Давлат айбловчиси учун илмий-услубий қўлланма. – Т.: 2004. – 78 б.;
5. Тўлаганова. Г.З. Жиноят процессида шахсий ҳуқуқларни чеклаш мезонлари: Монография. / Проф. Ғ.А. Абдумажидов таҳрири остида. – Т.: ТДЮИ, 2007. – 243 б.;
6. Хидоятлов Б.Б. Дознание в Республике Узбекистан: Учебное пособие. – Т.: ТГЮИ, 2005. – 105 б.;

7. Қўшаев Н.М., Файзиев Ш.Ф. Жиноят процессида ўтказиладиган тергов ҳаракатлари. / З.Ф. Иноғомжонованинг умумий таҳрири остида. – Т.: ТДЮИ, 2007. – 166 б.

Масалалар:

1-масала

Терговчи жиноят ишини очиш мақсадида айбланувчининг хонадонини тинтув қилишга қарор қилди. Тинтув ҳаракатларини кузатиш учун 2-та холис, яъни капитан Собиров ва сержант Алимовлар чақирилди. Бундан хабар топган ҳимоячи юқори турувчи прокурорга терговчи ҳаракатларига нисбатан шикоят билдирди ва тўпланган далилларни мақбул эмас деб топилишини сўради.

Терговчи ва ҳимоячининг ҳаракатларига изоҳ беринг. Далилларнинг мақбуллиги деганда нимани тушунасиш?

2-масала

Жиноят иши бўйича ягона гувоҳ ҳисобланган К. бетоблиги туфайли оламдан ўтди. Аммо ўлимидан олдин К. ўзи билган жиноят ҳақида қариндоши Н.га айтиб беради. Н. тергов жараёнида кўрсатув берди.

Н.нинг кўрсатувлари далил бўла оладими?

Тестлар:

1. Далилларни етарлилиги бу...?

А) Исботланиши керак бўлган барча ва ҳар бир ҳолатнинг ҳақиқийлигини сўзсиз тасдиқловчи ишга оид барча ишончли далиллар тўпланган бўлса, уларнинг жами ишни ҳал қилиш учун етарли ҳисобланади;

Б) иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларни тасдиқловчи, рад этувчи ёки шубҳа остига олувчи фактлар;

С) белгиланган тартибда тўпланган далиллар.

2. Тергов ҳаракати ўтказилиши учун ҳуқуқий асос бу...?

А) иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш мақсадида аниқ ҳаракатларни бажариш зарурлигини шарт қилиб қўйган фактик маълумотлардир;

Б) бу жинойт процессуал қонунида кўрсатилган ва терговчига у ёки бу тергов ҳаракатини ўтказишга ҳуқуқ берадиган шартлар йиғиндисидир;

С) А ва Б.

Д) тўғри жавоб йўқ.

3. Сўроқ қилиш вақти?

А) бир кунда 8 соатдан ошмаслиги керак

Б) бир кунда 10 соатдан ошмаслиги лозим.

С) чекланмаган

Д) бир ойда 24 соатдан ошмаслиги лозим.

4 ... исбот қилишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобланади.

А) далилларни тўплашнинг шартлиги;

Б) далилларни баҳолашнинг шартлиги;

С) ўзининг предметиға эға эканлиги;

Д) А, Б, С.

5.Олиниш мансабига кўра далиллар ... далилларға бўлинади.

А) тўғри ва эғри;

Б) ашёвий ва шахсий;

С) дастлабки эғри ва тўғри ҳосила;

Д) ҳосила ва дастлабки.

6. ... далилларнинг манбалари ҳисобланади.

А) айбдорлар;

Б) судланувчилар;

С) А, Д;

Д) жабрланганлар.

**Тергов ҳаракатлари ўтказишда қуйидаги шартлар
бажарилиши лозим:**

тергов ҳаракати ҳуқуқий ва фактик асослар мавжуд
бўлгандагина ўтказилиши лозим;

тергов ҳаракатини ўтказиш тартиби ва уни процессуал
расмийлаштириш жиноят процессуал қонунига тўла мос
келиши шарт;

ҳар қандай тергов ҳаракати жиноят иши қўзғатилганидан
сўнг терговчининг қарори билангина ўтказилиши
мумкин. Кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатлари
бундан мустасно. Бундай тергов ҳаракатларига
экспертиза, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш,
тафтиш киради.

ЖПК: 339-моддаси

**Амалдаги жиноят-процессуал қонунчилиги
суриштирувнинг қуйидаги вазифаларини белгилаб
беради:**

жиноятнинг олдини олиш ёки унга йўл қўймаслик;

далилларни тўплаш ва сақлаш;

жиноят содир этишда гумон қилинганларни ушлаш ва
яширинган гумон қилинувчиларни ҳамда
айбланувчиларни қидириб топиш;

жиноят туфайли етказилган моддий зиён
қопланишини таъмилаш учун кечиктириб
бўлмайдиган тергов ҳаракатларини юритишдан
иборат.

МАВЗУ 9: СУД БОСҚИЧЛАРИДА ИСБОТ ҚИЛИШ

1. Маъруза учун ажратилган соат – 2

2. Семинар учун ажратилган соат - 2

Кўриб чиқиладиган саволлар:

1. Далилларнинг етарлилиги тушунчаси ва уни аниқлаш мезонлари.

2. Жиноят ишини суд муҳокамасида кўриш учун тайинлашда исбот қилиш моҳияти ва далилларни баҳолаш.

3. Суд муҳокамасида исботлашнинг мақсади, предмети ва доираси.

4. Далилларни тўплаш ва текширишда бевоситалик.

5. Суд терговида ва ҳукм чиқаришда далилларни суд томонидан баҳолаш.

6. Суд муҳокамасининг бошқа иштирокчилари томонидан далилларни баҳолаш.

7. Апелляция, кассация ва назорат босқичларида исбот қилишнинг мақсади, предмети ва доираси. Янги очилган ҳолатлар муносабати билан иш юритиш қайтадан бошланганда исбот қилиш моҳияти ва далилларни баҳолаш.

Фойдаланиладиган асосий дарслик ва ўқув қўлланмалар ҳамда қўшимча адабиётлар рўйхати:

I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 40 б.;

2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси: Расмий нашр. – Тошкент: Адолат, 2010. – 672 б.;

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 2004 йил 24 сентябрдаги 12-сонли қарори. // Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами: 1991-2006. Т.2. – Т.: Адолат, 2007. – 188-192 б.

II. Асосий адабиётлар:

1. Иномжонов Ш.Х. Жиноят процессида далиллар такдим қилиш ва фойдаланиш муаммолари. – Т.: Адолат, 2003. – 178 б.;
2. Иноғомжорова З.Ф., Тўлаганова Г.З. Жиноят процесси иштирокчилари: Ўқув қўлланма. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2007. – 160 б.;
3. Иноғомжорова З.Ф., Тўлаганова Г.З. Алоҳида тоифадаги жиноят ишлари бўйича иш юритиш: Ўқув қўлланма. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009. – 113 б.;
4. Иноғомжорова З.Ф., Тўлаганова Г.З. Жиноят процесси муаммолари: Ўқув қўлланма. / Ю.ф.д., проф. Абдумажидов Ғ.А. умумий таҳрири остида – Т.: ТДЮИ, 2006. – 340 б.;
5. Иноғомжорова З.Ф. Жиноят процессида суд назорати: Ўқув қўлланма. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2007. – 191 б.;
6. Ирсалиев А. Вояга етмаганларнинг жиноят ишларини судда юритиш: Ўқув қўлланма. – Т.: ТДЮИ, 2003. – 98 б.;
7. Муҳаммадиев А.А. Далиллар назарияси муаммолари: Ўқув қўлланма. / Ю.ф.д. З.Ф.Иноғомжорованинг умумий таҳрири остида – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2008. – 117 б.;
8. Рахмонова С.М. Рассмотрение уголовного дела в суде первой инстанции: Учебное пособие. – Т.: ТГЮИ, 2010. – 145 б.;
9. Рахмонова С.М. Уголовно-процессуальное право (особенная часть): Учебно-методическое пособие. – Т.: ТГЮИ, 2011. – 200 б.;
10. Файзиев Ш.Ф., Мамадиев С.Н. Проблемы теории доказательств: Учебно-методическое пособие. – Т.: Издательство ТГЮИ, 2008. – 39 б.;
11. Файзиев Ш.Ф. Жиноят процессуал ҳуқуқи. Махсус қисм. Саволлар ва жавоблар: Ўқув услубий мажмуа. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2011. – 300 б.;
12. Хидоятлов Б.Б., Рахманова Б.М., Тухташева У.А. Проблемы теории доказательств. – Т.: ТГЮИ, 2007. – 128 б.

III. Қўшимча адабиётлар:

1. Уголовный процесс: Учебник для студентов юридических вузов и факультетов. / Басков В.И., Гуценко К.Ф. и др.; под ред. К.Ф. Гуценко. – М.: Зерцало, 2001. – 608 б.;
2. Безлепкии Б.Т. Уголовный процесс в вопросах и ответах: Учебное пособие. / 6-е изд., перераб. и доп. – М.: Проспект, 2010. – 304 б.;

3. Иноғомжонова З.Ф. Дастлабки тергов ва жиноят ишени судда кўриш учун тайинлаш босқичларида суд назорати: Монография. – Т.: ТДЮИ, 2006. – 156 б.;
4. Иноғомжонова З.Ф. Жиноят процессида ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослиги ва адолатлилигини текширишда суд назорати – Т.: ТДЮИ, 2006. – 147 б.;
5. Пўлатов Б.Х. Теоретические основы совершенствования законодательного регулирования и практики участия прокурора при рассмотрении уголовных дел в судах. – Т.: Фан, 2002. – 156 б.;
6. Пўлатов Б.Х. Давлат айбловчиси судда далилларни текширишда иштироки: Давлат айбловчиси учун илмий-услубий қўлланма. – Т.: 2004. – 78 б.;
7. Тўлаганова. Г.З. Жиноят процессида шахсий ҳуқуқларни чеклаш мезонлари: Монография. / Проф. Ғ.А. Абдумажидов таҳрири остида. – Т.: ТДЮИ, 2007. – 243 б.;
8. Вандышев В.В. Уголовный процесс. Общая и Особенная части: Учебник. – М.: Волтерс Клувер, 2010. – 720 с.;
9. Уголовно-процессуальное право Российской Федерации: Учебник. / Отв. ред. П.А. Лупинская. – М.: Юристъ; 2003. – 797 б.;
10. Файзиев Ш.Ф. Суриштирув органларининг жиноят-процессуал фаолиятини такомиллаштириш муаммолари: Монография. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009. – 200 б.;
11. Хидоятлов Б.Б. Дознание в Республике Узбекистан: Учебное пособие. – Т.: ТГЮИ, 2005. – 105 б.

Масалалар:

1-масала

Ҳонадонларнинг бирида қотиллик содир этилди. Терговчи мархумнинг қўшнилари ва яқинлари билан суҳбат ўтказди. Унга кўра мархум М. исмли шахс билан анчадан бери келиша олмай юрган экан. М.ни гумон қилинувчи сифатида ишга жалб қилинганда у бу жиноятга ҳеч қандай алоқаси йўқлигини билдирди. Терговчи томонидан тўпланган маълумотлар эгри далил эканлиги, ўша кеча у ўзининг уйида ёлғиз бўлганлигини айтди.

Эгри далиллар деб нимага айтилади? Терговчи ушбу ҳолатда М.ни эгри далиллар асосида ишга айбланувчи сифатида жалб қила оладими?

2-масала

Р. исмли шахс жиноят иши бўйича айбланувчи сифатида жалб қилинди. Р нинг ақли норасо эканлиги аниқланди.

Жиноят иши ҳал қилиниши учун қайси ҳолатлар исботланиши керак?

Тестлар:

1. ... далилларнинг турлари ҳисобланади.

- А) мутахассис далолатномаси;
- Б) айбланувчи тушунтиришлари;
- С) эксперт хулосаси;
- Д) прокурор буйруқлари.

2. Исбот қилиш субъектлари кимлар?

- А) суриштирувчи;
- Б) ҳимоячи;
- С) прокурор;
- Д) А, С.

3. Гувоҳ кўрсатувларининг шаклланиш жараёни неча босқичдан иборат?

- А) 5 та;
- Б) 4 та;
- С) 3 та;
- Д) 2 та.

4. Далиллар ... орқали тўпланади?

- А) юзлаштириб кўргазма олиш;
- Б) хулоса бериш;
- С) олиб кетиш;
- Д) сўроқ қилиш.

5. ... далилларни тўплаш усули ҳисобланади.

- А) олиб кетиш;
- Б) тинтув;
- С) А, Б;
- Д) хулоса бериш.

6. Далилларнинг қандай хусусиятлари йўқ.

- А) номақбуллик;
- Б) етарсизлик;
- С) ишончлилиқ;
- Д) А, Б.

7. ... далилларнинг хусусиятлари ҳисобланади.

- А) ноалоқадорлик;
- Б) етарлимаслик;
- С) аҳамиятлилик;
- Д) барча жавоблар нотўғри.

8. Ҳосила далилларнинг қандай турлари бор?

- А) олинган қолиплар;
- Б) кўрган гувоҳ кўрсатувлари;
- С) эшитган гувоҳ кўрсатувлари;
- Д) А, С.

9. Ҳосила далиллар ... ёрдам беради.

- А) ҳужжатни текшириш учун.
- Б) дастлабки далилни топиш учун;
- С) ашёвий далилни ўрнини босиш учун;
- Д) барча жавоблар тўғри;

10. Далилларнинг қандай турлари бор?

- А) гумон қилинувчи кўргазмалари;
- Б) айбланувчи кўрсатувлари;
- С) тергов режалари;
- Д) А, Б.

11. Сўроқ қилишда ... тақиқланади.

- А) текширувчи саволлар бериш;
- Б) ишора қилувчи саволлар бериш;
- С) аниқлаштирувчи саволлар бериш;
- Д) Б, С.

12. ... далилларнинг концепциялари ҳисобланмайди.

- А) формациялик;
- Б) археологик;


- С) учёқламалик;
Г) барча жавоблар нотўғри.

13. Эркин ҳикоя қилиб беришнинг қандай турлари бор?

- А) хрономик;
Б) махсус шахс бўйича;
С) эпизодлар бўйича;
Д) барча жавоблар тўғри.

14. ... сўроқ қилишда тақиқланмайди.

- А) текширувчи саволлар бериш;
Б) ишора қилувчи саволлар бериш;
С) йўналтирувчи саволлар бериш;
Д) А, С.



Исботлаш – ишларни қонуний, асосли ва адолатли ҳал қилиш учун аҳамиятли ҳолатларни аниқлаш мақсадида далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш бўйича қо-нун билан тартибга солинадиган фаолиятдир.
(ЖПК 85-модда).

Далилларни тўплаш – суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд томонидан исботловчи ахборотни топиш, талаб қилиб олиш, қабул қилиб олиш ва процессуал қайд этишга ҳамда қонунда назарда тутилган процессуал ҳаракатларни амалга оширишга йўналтирилган фаолият.

Далилларни текшириш – жиноят иши ҳолатларини тўғри аниқлаш учун ҳақиқий маълумотларнинг ишончлилигини ҳамда улар олинган манбаларнинг сифатлилигини синчковлик билан, ҳар томонлама ва холисона аниқлаш бўйича суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг фаолиятидир.

Далилларни баҳолаш - ЖПКнинг 95-моддасига биноан суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ишдаги барча ҳолатларни синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва холисона кўриб чиқишга асосланган ҳолда қонунга ва ҳуқуқий онгга амал қилиб ўзларининг ички ишончлари бўйича далилларга баҳо берадилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ СУДИ ПЛЕНУМИНИНГ
ҚАРОРИ
24.09.2004 й.
№12

ДАЛИЛЛАР МАҚБУЛЛИГИГА ОИД ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ
ҚОНУНИ НОРМАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ АЙРИМ
МАСАЛАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Жиноят-процессуал қонунининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган асосий принципи-айбсизлик презумпциясига кўра шахс унинг жиноят содир этишда айбдорлиги қонунда белгиланган тартибда исботлангунга ва қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқлангунга қадар айбсиз ҳисобланади.

Ҳукм фақат қонунда белгиланган тартибда тўпланган далилларга асосланган бўлиши лозим.

Суд амалиётини ўрганиш шуни кўрсатадики, жиноят иши бўйича суриштирув, дастлабки тергов юритиш ва уни судда кўриш даврида жиноят-процессуал қонунининг далиллар ва исбот қилишга оид нормаларига асосан риоя этилмоқда.

Шу билан бирга суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашни тартибга солувчи қонун талабларини бузиш ҳоллари барҳам топмаган.

Жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатларидан фуқароларни ҳимоя қилиш самарасини кучайтириш, улар томонидан Конституция ва Жиноят-процессуал кодекси талабларига риоя этилиши ва бажарилишини таъминлаш мақсадида, «Судлар тўғрисида»ги қонуннинг 17-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

1. Тушунтирилсинки, ЖПК 11-моддасида мустаҳкамланган қонунийлик принципига мувофиқ, ҳар бир жиноят иши бўйича иш юритиш жиноят-процессуал қонунда белгиланган тартибга қатъий риоя этилган ҳолда амалга оширилиши шарт.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан қонунни аниқ бажаришдан ва унга риоя қилишдан ҳар қандай чекиниш, у қандай сабабга кўра юз берганлигидан қатъи назар, шу йўл билан олинган далилларнинг номақбул (яроқсиз) деб топилишига олиб келади.

Номақбул далиллар юридик кучга эга бўлмай, улардан Жиноят-процессуал кодексининг 82-84-моддаларида назарда тутилган ҳолатларни исботлаш учун фойдаланиш ҳамда уларни айблов асосига қўйиш мумкин эмас.

2. Суриштирув, тергов органлари ва судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, исбот қилиш жараёнида далилларнинг мақбуллиги тўғрисидаги масалани тўғри ҳал этиш муҳим ўрин тутди.

Далиллар мақбуллигининг шартлари қуйидагилар:

далил тегишли субъект томонидан, яъни далилни олиш билан боғлиқ бўлган процессуал ҳаракатни ўтказишга ваколатли мансабдор шахс томонидан олинган бўлиши;

фактга оид маълумотлар фақат ЖПК 81-моддасининг иккинчи қисмида қайд этилган манбалардан олинган бўлиши;

далил уни олиш билан боғлиқ процессуал ҳаракатни ўтказишга оид қоидалар ва тартибга риоя этилган ҳолда олинган бўлиши;

далилни олишда тергов ва суд ҳаракати жараёни ва натижаларининг қайд этилишига доир қонуннинг барча талабларига амал қилинган бўлиши шарт.

Судларга тушунтирилсинки, далиллар мақбуллигига тааллуқли юқорида санаб ўтилган шартлардан бирортасига амал этилмаслиги далилнинг номақбул деб топилишига асос бўлади.

3. Далиллар, жумладан, қуйидаги ҳолларда номақбул деб топилади, агар:

1) далил суриштирувчи томонидан суриштирув тамом бўлганидан сўнг, терговчи, прокурорнинг ёзма топшириғисиз ўтказилган тергов ҳаракати давомида олинган бўлса, тергов ҳаракати белгиланган тартибда ишни ўз юритувига олмаган ёки тергов гуруҳи таркибига киритилмаган терговчи томонидан ўтказилган бўлса, тергов ҳаракати ЖПК 76-моддасида белгиланган асосларга кўра рад этилиши шарт бўлган шахс томонидан ўтказилган бўлса;

2) маълумотлар тергов ва суд ҳаракати ўтказилмасдан ёки қонунда назарда тутилмаган манбадан, масалан, жиноят-процессуал

қонунида белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган тезкор-қидирув тадбирлари вақтида олинган бўлса;

3) далил қонунга хилоф усул билан, яъни уни тўплаш юзасидан қонунда назарда тутилган қоидаларга амал қилинмаган ҳолда олинган бўлса, жумладан:

а) прокурорнинг санкцияси олиниши шарт бўлган ҳолларда тергов ҳаракатининг санкция олинмасдан ўтказилиши (кечиктириб бўлмайдиган Ҳоллар бундан мустасно);

б) тергов ҳаракатида ҳолис сифатида иш бўйича манфаатдор шахснинг, шу жумладан, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи орган ходимлари ёки уларга жамоатчилик асосида кўмаклашувчи бошқа шахсларнинг иштироки;

в) кўрсатувларнинг, шу жумладан, айбига иқрорлик тўғрисидаги кўрсатувларнинг қийноққа солиш, зўрлик ишлатиш ҳамда инсонга нисбатан бошқа шафқатсиз ёки унинг шаъни, қадр-қимматини камситувчи муносабатда бўлиш, шунингдек, алдаш ва қонунга хилоф бошқа йўللар орқали олиниши;

г) эксперт хулосасининг экспертиза тайинлаш вақтида гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг ҳуқуқлари бузилган ҳолда, шунингдек, эксперт рад этилиши шарт бўлган ҳолда олиниши;

д) ҳимоячининг иштироки шарт бўлган ҳолларда унинг иштирокисиз гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчидан кўрсатув олиниши;

е) гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи яқин қариндошларининг ЖПК 116-моддаси талабларига хилоф равишда ўз розилигисиз гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчига тегишли ҳолатлар юзасидан сўроқ қилиниши;

4) далилларни қайд этишнинг процессуал формаси бузилган бўлса:

тергов ва суд ҳаракатларида иштирок этувчи шахсларга оид маълумотлар йўқлиги;

тергов ва суд ҳаракатларида иштирок этувчи шахсларга ҳуқуқ ва мажбуриятларининг тушунтирилмаганлиги;

тергов ва суд бошланган ва тугалланган вақтнинг кўрсатилмаганлиги;

ЖПК 90-93-моддаларида назарда тутилган бошқа талабларнинг бажарилмаганлиги.

Жиноят-процессуал қонуни талаблари бузилган тарзда олинган бошқа ҳолларда ҳам далиллар номақбул деб топилиши мумкин.

4. Тергов органлари ва судлар шуни назарда тутишлари лозимки, тўплаш пайтида йўл қўйилган қонун бузилиши сабабли номақбул деб топилган айрим далиллардан исбот қилишда тегишли процессуал ҳаракатлар белгиланган талабларга амал қилган ҳолда ўтказилгандан сўнг фойдаланилиши мумкин (масалан, тергов ёки суд ҳаракати ўтказиш баённомаларида айрим маълумотлар ёки бандларнинг йўқлиги, башарти бу камчиликни холислар, ушбу ҳаракатнинг бошқа иштирокчиларини, зарур ҳолларда эса, терговчини сўроқ қилиш орқали бартараф қилиш имконияти бўлса).

Шу билан бирга, номақбул деб топилган айрим далилларни, уларнинг юридик табиатига кўра, тиклашнинг имконияти йўқ (масалан, қонунга мувофиқ розилиги олинмиши шарт бўлган ҳолларда жабрланувчини, гувоҳни унинг розилигини олмай туриб такроран сўроқ қилиш, шахсни ёки нарсани таниб олиш учун такроран кўрсатиш ва ҳ.к.). Бу эса, исбот қилувчи субъектни муайян ҳолатни тасдиқловчи восита сифатида мазкур далилга таяниш ҳуқуқидан маҳрум этади.

5. Тергов органлари ва судлар шуни эътиборга олишлари лозимки, иш бўйича ҳар қандай қарор қабул қилишда, шу жумладан айблов хулосаси ва ҳукмда номақбул далилларга асосланиш мумкин эмас.

Номақбул деб топилган далилларни тиклашнинг имконияти бўлмаган ҳолларда суд ишни қўшимча тергов юритиш учун қайтармасдан, тўпланган далиллар мажмуидан келиб чиққан ҳолда ишни мазмунан ҳал этиши керак.

6. Қонун бузилиши оқибатида олинган далил суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан номақбул деб топилиши мумкин.

Далилни номақбул деб топиш масаласи гумон қилинувчи, айбланувчи, унинг ҳимоячиси ёки қонуний вакили, шунингдек, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар томонидан қўйилиши мумкин.

7. Суд далилни номақбул деб топганда, уни далиллар мажмуидан чиқариш тўғрисида асослантирилган қарор қабул қилади ва бу ҳақда ҳукмнинг тавсиф қисмида кўрсатади.

8. Судларга тушунтирилсинки, ишни мазмунан кўриш пайтида ҳар бир инстанция суди, тарафларнинг илтимосномаси билан чиқарилган далилни мақбул деб топиш тўғрисидаги масалани қайта муҳокама этиши мумкин.

9. Судлар ҳар бир жиноят иши бўйича суриштирув, тергов олиб бориш, шунингдек, суд муҳокамаси даврида жиноят-процессуал қонунининг исбот қилишнинг умумий шартларига оид талабларига риоя қилинганлигини синчиклаб текширишлари ва йўл қўйилган қонун бузилиши ҳоллари юзасидан хусусий ажрим чиқариш орқали муносабат билдиришлари, зарур ҳолларда эса, Жиноят Кодексининг мансабдорлик жиноятлари ёки одил судловга қарши жиноятлар учун жавобгарликни назарда тутувчи моддалари бўйича жиноят иши қўзғатиш тўғрисидаги масалани ҳал этишлари шарт.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ СУДИ ПЛЕНУМИНИНГ
ҚАРОРИ
19.12.2003 й.
№17

ГУМОН ҚИЛИНУВЧИ ВА АЙБЛАНУВЧИНИ
ҲИМОЯ ҲУҚУҚИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШГА
ОИД ҚОНУНЛАРНИ ҚЎЛЛАШ БЎЙИЧА
СУД АМАЛИЁТИ ТЎҒРИСИДА

Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, маҳкум ва оқланган шахснинг (бундан буён матнда гумон қилинувчи, айбланувчи деб юритилади) ҳимоя ҳуқуқи жиноят-судлов ишларини юритишда асос қилиб олинувчи принциплардан бири бўлиб, иш бўйича қонуний, асослантирилган ва адолатли қарор қабул қилинишини кафолатлайди.

Суд амалиётини ўрганиш натижалари шуни кўрсатадики, суриштирув, тергов органлари ҳамда судлар гумон қилинувчининг, айбланувчининг ҳимоя ҳуқуқини асосан таъминлаб келмоқдалар.

Шу билан бир қаторда, ушбу ҳуқуқий институт иш бўйича қонунийликка риоя этиш ва ҳақиқатни аниқлашда жуда муҳим омил эканлигига етарли даражада эътибор берилмаяпти. Гумон қилинувчининг, айбланувчининг ҳимоя ҳуқуқини суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида ҳам, суд муҳокамаси бораётганда ҳам қўпол тарзда бузиш ҳоллари барҳам топмаган.

Қонун талабларига оғишмай риоя этилишини таъминлаш, гумон қилинувчининг, айбланувчининг ҳимоя ҳуқуқини бузиш ҳолларига барҳам бериш мақсадида, "Судлар тўғрисида"ги Қонуннинг 17-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Судларга тушунтирилсинки, гумон қилинувчининг, айбланувчининг ҳимоя ҳуқуқи бевосита Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ҳар бир кишига шахсий эркинлик ва дахлсизлик таъминланишини кафолатловчи нормаларидан келиб чиқади.

2. Гумон қилинувчининг, айбланувчининг ҳимоя ҳуқуқи - юзага келган гумон, қўйилган айбни рад этиш ёки жавобгарлик ва жазони юмшатиш учун унга қонун билан берилган процессуал имкониятлар (восита ва усуллар) йиғиндисидир.

3. Ҳимоя ҳуқуқи жиноят-судлов ишларини юритишнинг барча босқичида таъминланади.

Қонунга кўра (ЖПК 24, 64-моддалари), жиноят ишини юритишга масъул барча давлат органлари ва мансабдор шахслар (суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья) гумон қилинувчига, айбланувчига унинг ҳуқуқларини тушунтиришлари ва ўзига тегишли ҳимоя ҳуқуқидан амалда фойдаланиши учун реал шароит яратиб беришлари шарт.

4. Судлар иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар албатта синчковлик билан, ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона текширилиши зарурлиги ҳақидаги қонун талабларига оғишмай риоя этишлари, айбланувчини нафақат фош этадиган, балки оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини енгиллаштирадиган ва оғирлаштирадиган ҳолатларни ҳам аниқлашлари шарт.

Иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат Жиноят-процессуал кодексида белгиланган тартибда тўпланган, текширилган ва баҳоланган далиллардангина фойдаланиш мумкин. Процессуал қонун талаблари бузилган ҳолда тўпланган далиллар айблов асосига қўйилиши мумкин эмас.

5. Гумон қилинувчини, айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашнинг муҳим кафолати - унинг айби қонунда белгиланган тартибда исботланмагунча ва қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқланмагунча айбдор ҳисобланмаслиги ҳақидаги Конституцияда белгиланган айбсизлик презумпцияси принципига қатъий амал этилишидадир.

Гумон қилинувчи, айбланувчи зиммасига кўрсатув бериш мажбурияти юкланиши мумкин эмас, ўз айбсизлигини ёки иш бўйича бирон-бир ҳолатни исботлаш масъулиятини юклашга ҳам йўл қўйилмайди. Қонунга асосан бундай мажбурият жиноят ишини юритишга масъул давлат органлари мансабдор шахсларининг зиммасига юклатилган.

Айбдорликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этишнинг имкони бўлмаса, гумон қилинувчи, айбланувчи фойдасига ҳал қилиниши керак. Қонунни қўллашда келиб чиққан ҳар қандай шубҳа ҳам унинг фойдасига ҳал этилади.

6. Судлар Жиноят-процессуал кодексининг 25-моддаси талабларига, яъни ишлар суд мажлисида тарафларнинг ўзаро тортишуви принципи асосида кўрилиши шартлиги ҳақидаги қоидага сўзсиз амал қилинишини таъминлашлари керак.

Тортишув принципи айблов ва ҳимоя функциялари бир-биридан ажратилган ҳолда амалга оширилишини тақозо этади. Бунда суд айблов ёки ҳимоя тарафида турмаслиги ҳамда уларнинг бирон бир манфаатларини ифода этмаслиги лозим. Суд ҳолислик ва беғаразликни сақлаган ҳолда фақат ишни ҳал этиш функциясини амалга ошириши, яъни тарафларга процессуал ҳуқуқларини амалга ошириш йўли билан ўз нуқтаи-назарларини ҳимоя қилишлари учун тенг имконият яратиб бериши керак.

Қонунга биноан, суд процессида тарафлар далиллар тақдим этиш, уларни текширишда қатнашиш, илтимос билан мурожаат қилиш, ишнинг тўғри ҳал этилиши, қонуний ва асослантирилган қарор чиқарилиши учун аҳамиятга молик ҳар қандай масала бўйича ўз фикрларини билдиришда тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар.

Судлар шуни эътиборга олишлари керакки, судда ишларни юритишда тортишув суд мажлисида прокурор ва ҳимоячининг узлуксиз иштироки таъминланган ҳолдагина рўёбга чиқади (судланувчи қонунда белгиланган тартибда ҳимоячидан воз кечган ҳоллар бундан мустасно).

7. Гумон қилинувчини, айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашнинг муҳим элементларидан бири қонун томонидан унга суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд (судья)нинг процессуал ҳаракати ёки қарори устидан белгиланган тартибда шикоят бериш ҳуқуқининг берилишидир.

Жиноят ишини юритишга масъул давлат органлари ва мансабдор шахсларининг ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят гумон қилинувчининг, айбланувчининг ҳимоячиси ва қонуний вакили томонидан ҳам берилиши мумкин.

8. Жиноят-процессуал кодексининг 49-моддасига мувофиқ, шахсга айб эълон қилинган вақтдан бошлаб ёки у гумон қилинувчи деб эътироф этилганлиги тўғрисида қарор унга маълум қилинган ёхуд у ушланган пайтдан бошлаб ишда ҳимоячининг иштирок этишига рухсат берилади.

Бу ўринда шуни назарда тутиш керакки, шахс ЖПК 221-моддасида кўрсатилган асосларга кўра ушланган ҳолларда, гарчи қонунда бу ҳақда тегишли баённома шахс милиция ёки бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга келтирилгандан сўнг расмийлаштирилиши белгиланган бўлса-да, у амалда ушланган (қўлга олинган) пайтдан бошлаб гумон қилинувчи деб ҳисобланади. Айнан шу пайтдан бошлаб ушлаб турилган шахс гумон қилинувчига

берилган барча ҳуқуқлардан, шу жумладан, ҳимоячи олиш ҳуқуқидан фойдаланади. Шу туфайли, бундай ҳолларда у гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши, жиноят ишида гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилинганлиги ҳақидаги қарор унга эълон қилинмасдан ҳамда тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилмасдан туриб, унга нисбатан тергов ҳаракатлари олиб борилиши мумкин эмас.

Айбини бўйнига олиш тўғрисидаги арз билан тегишли давлат органига мурожаат қилган шахс ҳам шундай ҳуқуқий ҳолатга эга (ЖПК 113-моддаси).

9. Гумон қилинувчининг, айбланувчининг ҳимоя ҳуқуқини реал таъминлаш мақсадида, шахс Жиноят-процессуал кодексининг 221, 227- моддаларида назарда тутилган тартибда ушланган ёки эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олинган (ЖПК 242-моддаси) ҳолларда жиноят ишини юритишга масъул давлат органларининг мансабдор шахслари маҳбус сақланаётган жой ҳақида унинг яқин қариндошларига ёки унинг илтимосига кўра бошқа шахсларга, вояга етмаганлар тўғрисида эса, шунингдек унинг қонуний вакилига хабар беришлари шарт.

10. Судларнинг эътибори Жиноят-процессуал кодексининг гумон қилинувчига, айбланувчига унинг ҳимоячи олиш, айнан нимада гумон қилинаётганлиги ёки айбланаётганлигини, маҳкумга эса, у қандай жиноят содир этганликда айбдор деб топилганлигини билиш ҳуқуқини кафолатловчи 46, 48-моддалари талабларига қатъий риоя қилиниши зарурлигига қаратилсин.

Шунинг учун, жиноят ишида гумон қилинувчи, айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарорда, айблов хулосасида ва суд ҳукмида Жиноят-процессуал кодексининг 360, 361, 379, 467-моддаларида назарда тутилган ҳолатлар аниқ баён этилиши керак.

Агар шахс бир неча жиноят содир этганликда айбланаётган бўлса, бу ҳолатлар ҳар бир айбловга нисбатан алоҳида баён этилиши лозим.

11. Иш бўйича ҳимоячи сифатида қатнашиши мумкин бўлган шахслар тоифаси ЖПК 49-моддасининг иккинчи қисмида белгиланган.

Улар жумласига, хусусан, адвокатлар ҳамда гумон қилинувчининг, айбланувчининг яқин қариндошлари ёки қонуний вакиллари ва бошқа шахслар киради.

Қонунга биноан, белгиланган тартибда адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия олган ва адвокатлар тузилмаларининг: адвокатлар ҳайъати, адвокатлик фирмаси, бюроси аъзоси бўлган шахслар адвокат ҳисобланади.

Гумон қилинувчининг, айбланувчининг яқин қариндошлари деганда, унинг ота-онаси, ака-укаси ва опа-сингиллари, эри (хотини), фарзандлари (фарзандликка олинганлар), неваралари, шунингдек эр(хотин)ининг ота-онаси, ака-укаси ва опа-сингиллари назарда тутилади.

Гумон қилинувчининг, айбланувчининг қонуний вакилларига унинг ота-онаси (уни болаликка олганлар), васийлар, ҳомийлар, унга ҳомийлик қилувчи муассаса ва ташкилот вакиллари киради.

Жиноят-процессуал кодекси 49-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган бошқа шахслар деганда, гумон қилинувчи, айбланувчи томонидан ҳимоячи сифатида ишга киритилиши сўралаётган шахс тушунилади.

Ишда ҳимоячи сифатида иштирок этишга рухсат этилган шахсга суриштирув, дастлабки тергов органи ва суд томонидан қарор (ажрим) шаклида ёзма ҳужжат берилиб, унда ҳимоячининг ЖПК 53-моддасида назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилади.

Бундай қарор (ажрим) суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд (судья) томонидан унга адвокатнинг ордери ёки ҳимоячи сифатида танланган шахснинг қариндошлиги ёки вакиллик ваколатини ҳамда шахсини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилгандан сўнг дарҳол чиқарилиши керак. Қарор (ажрим) нусхаси ҳимоячига берилади.

12. Ҳимоячи қонунга кўра, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки унинг қонуний вакили томонидан, шунингдек гумон қилинувчининг, айбланувчининг илтимоси ёки розилиги асосида бошқа шахслар томонидан таклиф этилади. Гумон қилинувчи, айбланувчи иш бўйича бир неча ҳимоячи таклиф этиши мумкин.

Бу ўринда гумон қилинувчи, айбланувчи ҳимоячини эркин танлаш ҳуқуқига эга. Суриштирувчи, терговчи, суд (судья) иш бўйича тайинлов асосида давлат ҳисобидан ҳимоячи иштирок этаётган тақдирда ҳам гумон қилинувчи, айбланувчи томонидан таклиф этилган ҳимоячининг ишда қатнашишига монелик қилишга ҳақли эмас.

Ҳимоячининг жиноят ишига киришишини рад этиш тўғрисида суриштирув, тергов органи, суд (судья) томонидан чиқарилган қарор

устидан жиноят-процессуал қонунида кўрсатилган (ЖПК 27-моддаси) тартибда шикоят берилиши мумкин.

Гумон қилинувчининг, айбланувчининг ҳимоя ҳуқуқига оид қонун нормалари мазмунига кўра, иш материалларида давлат сири билан боғлиқ маълумотларнинг мавжудлиги бундай маълумотлар билан ишлашга махсус рухсати бўлмаган ҳимоячининг ишда иштирок этишига тўсқинлик қилмайди. Бундай ҳолларда ҳимоячи давлат сирига алоқадор маълумотлар билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда танишиши мумкин.

Шуни назарда тутиш лозимки, ҳимоячининг суд иши юритилаётган тилни билмаслиги ҳам унинг ишда иштирок этишига монелик қилмайди. Бу ҳолда у ЖПК 20-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ таржимон билан таъминланиши керак.

13. Қонунга мувофиқ, иш бўйича ЖПК 51-моддасида кўрсатилган ҳоллар мавжуд бўлганда, унда ҳимоячининг иштироки шарт эканлиги белгиланган бўлиб, бу талабга риоя этмаслик жиноят-процессуал қонуни нормаларини жиддий бузиш деб ҳисобланади.

Тушунтирилсинки, "жисмоний нуқсони ёки руҳий касаллиги сабабли ўзини ўзи ҳимоя қилиш ҳуқуқини амалга оширишга қийналадиган шахслар" деганда, жумладан, ақли расо деб топилган бўлса-да, аммо руҳий фаолияти доимий ёки вақтинча бузилган, нутқида, кўришида, эшитишида жиддий камчиликлари бўлган ёки бошқа оғир хасталик билан касалланган шахслар тушунилиши лозим.

14. Жиноят иши бўйича ҳимоячи ёрдамидан фойдаланиш гумон қилинувчининг, айбланувчининг ҳуқуқи ҳисобланади. Шу туфайли ҳам у иш юритувнинг исталган пайтида ҳимоячидан воз кечиши мумкин.

Ҳимоячидан воз кечганлик тўғрисида сабаблари кўрсатилган ҳолда ёзма мурожаат тақдим этилади.

Ҳимоячидан воз кечишга фақат гумон қилинувчининг, айбланувчининг ташаббуси билан ва ушбу масала муҳокама этилаётганда ҳимоячининг реал иштироки таъминланган ҳолдагина йўл қўйилади. Бунда иш материалларига ҳимоячининг ишда иштирок этишга ваколати борлигини тасдиқловчи ҳужжат (адвокатнинг ордери, қонуний вакил ваколатини тасдиқловчи ҳужжат ва ҳ.к.) қўшиб қўйилади.

Гумон қилинувчининг, айбланувчининг ҳимоячидан воз кечишига қуйидаги ҳолларда йўл қўйилмаслиги мумкин, агар у:

вояга етмаган бўлса;

жисмоний нуқсони (қар, соқов, кўр ва ҳ.к.) ёки руҳий касаллиги туфайли ўзини ўзи ҳимоя қилишга қийналса;

судлов иши юритилаётган тилни билмаса;

умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин бўлган жиноятни содир этишда гумон қилинаётган ёки айбланаётган бўлса.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича, шунингдек, ҳимоячидан воз кечиш тўғрисидаги ариза ноиложликдан (ҳимоячининг меҳнатига ҳақ тўлаш имкониятининг йўқлиги, иш бўйича ҳимоячининг ҳозир бўлмаслиги ва ҳ.к.) келиб чиққан ҳолларда ҳам ҳимоячидан воз кечишга йўл қўйилмаслиги мумкин.

Гумон қилинувчи, айбланувчи ҳимоячидан унинг меҳнатига ҳақ тўлаш имконияти йўқлиги сабабли воз кечмоқчи бўлган тақдирда, жиноят ишини юритишга масъул давлат органларининг мансабдор шахслари ЖПК 50-моддасининг тўртинчи қисми қоидаларига биноан гумон қилинувчини, айбланувчини бундай харажатлардан тўлиқ ёки қисман озод этиш чорасини кўришлари керак.

Суриштирувчи, терговчи, суд (судья), ишнинг мураккаблиги ва бошқа ҳолатлари гумон қилинувчининг, айбланувчининг ҳимоя ҳуқуқини ўзи амалга оширишига қийинчилик туғдириши мумкин деган хулосага келса, ҳимоячидан воз кечиш тўғрисидаги аризани рад этиши мумкин.

Бирор бир сабабга кўра муайян ҳимоячидан воз кечиш ҳоллари умуман ҳимоячи хизматидан воз кечиш деб қаралмаслиги керак.

Ҳимоячидан воз кечиш тўғрисидаги аризанинг қаноатлантирилганлиги ёки рад этилганлиги ҳақида белгиланган намунада баённома тузилади ҳамда у гумон қилинувчи, айбланувчи, ҳимоячи ва суриштирувчи ёки терговчи томонидан имзоланади. Суд мажлисида бу ҳақда мажлис баённомасига тегишли ёзув киритилади.

15. Ҳимоячидан воз кечиш гумон қилинувчини, айбланувчини кейинчалик ишда ҳимоячи иштирок этишини талаб қилиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди. Бундай талаб барча ҳолларда қаноатлантирилиши лозим.

Ҳимоячининг ишга янгидан киришиши ўша пайтга қадар амалга оширилган процессуал ҳаракатлар такрорланишини тақозо этмайди.

Суд мажлиси давомида ҳимоячининг ишга киришиши суд терговини қайта бошлаш учун асос бўлмайди. Бироқ, бу ҳолда суд унга иш материаллари билан танишиб чиқиш ва ҳимоясида бўлган

шахс ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясига киришишга тайёргарлик кўриш учун имконият бериши керак. Ҳимоячининг у процессга киргунга қадар суд томонидан сўроқ қилинган шахсларни чақириш ҳақидаги илтимосномаси ЖПК 448-моддасида белгиланган тартибда ҳал этилади.

Ишда иштирок этиш ҳақида битим тузилган ёки тайинланган вақтдан бошлаб, адвокат ўз вазифаларини бажаришни рад этишга ҳақли эмас, ЖПК 79-моддасида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

16. Ҳимоячи қонунга кўра (ЖПК 53-моддаси) ўз ҳимояси остидаги шахснинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун етарли ҳуқуқлар билан таъминланган бўлиб, унинг бу ҳуқуқларини жиноят ишини юритишга масъул давлат органлари томонидан бирор бир тарзда чеклашга йўл қўйилмайди.

Ҳимоячи ўз ҳимояси остидаги шахс иштирокида ўтказиладиган барча тергов ҳаракатларида, шу жумладан, гумон қилинувчига, айбланувчига унинг ҳуқуқлари тушунтирилаётганда ва у сўроқ қилинаётганда, кўрсатувларни ходиса содир бўлган жойда текширишда, эксперимент ўтказиладиганда, таниб олиш учун кўрсатилаётганда, юзлаштириладиганда, гувоҳлантириладиганда, эксгумация жараёнида, олиб қўйиш ва тинтувда, ашёвий далилларни кўздан кечиришда, мол-мулкни хатлашда, прокурор томонидан сўроқ қилинаётганда қатнашишга ҳақлидир.

Ҳимоячи жиноят ишида қатнашишга ижозат олган пайтдан бошлаб, ушлаб туриш ҳақида тузилган баённома, эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги қарор, гумон қилинувчи, айбланувчи иштирокида ўтказилган тергов ҳаракатлари баённомалари, гумон қилинувчига, айбланувчига эълон қилинган (ёки эълон қилиниши шарт бўлган) бошқа ҳужжатлар билан танишиш ҳуқуқига эга. Ҳимоячининг бундай ҳуқуқи унинг ҳимояси остидаги шахс гумон қилинувчи, айбланувчи деб эътироф этилгунга қадар ўтказилган тергов ҳаракатларига оид баённомалар билан танишишга нисбатан ҳам амал қилади.

Суриштирув, тергов органи гумон қилинувчи, айбланувчи иштирокида ўтказиладиган тергов ҳаракатлари куни, вақти ва жойи ҳақида унинг ҳимоячисини олдиндан хабардор этиши шарт.

17. Агар гумон қилинувчи, айбланувчи ушлаб турилган, қамокда сақланаётган ёки тиббий муассасага жойлаштирилган бўлса, ҳимоячи у билан қонунга кўра (ЖПК 53-моддасининг иккинчи қисми, 215-

моддасининг учинчи қисми) сони ва давомийлиги чегараланмаган ҳолда яккама-якка (ҳоли) учрашиш ҳуқуқига эга.

Ҳимоячининг гумон қилинувчи, айбланувчи билан учрашишига асос - уни ишда иштирок этишига рухсат берганлик ҳақидаги қарор (ажрим) ҳисобланади. Гумон қилинувчи, айбланувчи қамокда сақланаётган муассаса маъмурияти ҳимоячидан у ўз ҳимояси остидаги шахс билан учрашиши учун суриштирув, тергов органи ёки суд томонидан яна бошқа махсус рухсатнома берилишини талаб қилишга ҳақли эмас.

Ҳимоячига ўз ҳимояси остидаги шахс билан учрашишга, ўзининг ёки ҳимояси остидаги шахснинг талабига кўра, жиноят процессининг ҳар қандай пайтида дарҳол, гумон қилинувчи билан эса, ЖПК 48-моддасига мувофиқ рухсат берилиши шарт.

Муассаса маъмурияти ҳимоячига ўз ҳимояси остидаги шахс билан учрашув беришни рад этган тақдирда, ҳимоячи бундай ҳаракат устидан прокурорга "Прокуратура тўғрисида"ги Қонуннинг 30-32-моддаларида белгиланган тартибда шикоят бериши мумкин.

18. Қонун талабига кўра (ЖПК 17, 88-моддалари) суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд (судья) гумон қилинувчининг, айбланувчининг шаъни ва қадр-қимматини камситишга ҳақли эмас.

Далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари кўриқланиши таъминланиши керак.

Далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш жараёнида қийноққа солиш, зўрлик ишлатиш ҳамда инсонга нисбатан бошқа шафқатсиз ёки унинг шаъни ва қадр-қимматини камситувчи муносабатда бўлиш қатъиян ман этилади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 1984 йил 10 декабрда қабул қилган "Қийноқларга солишга ва муомалада бўлиш ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни таҳқирловчи турларига қарши Конвенция"га кўра "қийноқ" ҳар қандай тусдаги шундай ҳаракатни англатадики, у билан қандайдир шахсга ундан ёки учинчи шахсдан маълумотлар ёки эътироф олиш, уни у ёки учинчи шахс содир этган ёки содир этишда у гумон қилинадиган ҳаракат учун жазолаш, шунингдек уни ёки учинчи шахсни кўрқитиш ёки зўрлаш мақсадида, ёки бундай оғриқ ёки азоб давлатнинг мансабдор шахси ёки расмий сифатдаги бошқа шахс, ёки уларнинг гижгижлаши билан, ёки уларнинг хабардорлигида ёки индамай розилиги билан ҳар

қандай тусдаги камситишга асосланган ҳар қандай сабаб бўйича қасддан кучли оғриқ ёки жисмоний ёхуд маънавий азоб берилади.

19. Қийноққа солиш, зўрлик ишлатиш, қўрқитиш, алдаш ҳамда инсонга нисбатан бошқача шафқатсиз ёки унинг шаъни ва қадр-қимматини камситувчи муносабатда бўлиш, шунингдек қонунга ҳилоф бошқа чоралар қўллаш, шу жумладан, гумон қилинувчининг, айбланувчининг ҳимоя ҳуқуқини бузиш натижасида олинган далиллар айблов асосига қўйилиши мумкин эмас.

Суриштирувчи, терговчи, суд (судья) қамоқ жойларидан келтирилган шахсдан ҳар доим суриштирув, тергов ҳаракатлари ўтказилган пайтда унга нисбатан қандай муносабатда бўлишганлиги ҳамда сақлаш шароити тўғрисида сўрашлари шарт. Суриштирувнинг ёки терговнинг қийноққа солиш ёхуд қонунга ҳилоф бошқа усуллари қўлланилганлиги тўғрисидаги ҳар бир мурожаат факти бўйича арз қилинган важларини синчиклаб текшириш, шу жумладан, тиббий гувоҳлантириш ўтказиш орқали синчиклаб текширишлари ва натижасига қараб, тегишли мансабдор шахсларга нисбатан жиноят иши қўзғатишга қадар процессуал ёки бошқа ҳуқуқий чоралар қўришлари шарт.

20. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, исботлаш жараёнида тергов ҳаракатларини ўтказиш, шу жумладан, сўроқ қилиш тартиби ва шартлари қонун билан қатъий белгилаб қўйилган.

Гумон қилинувчи, айбланувчи ушланганидан, қамоққа олинганидан, чақирув қоғози бўйича сўроққа келганидан ёки мажбуран олиб келинганidan сўнг дарҳол ёки йигирма тўрт соат ичида биринчи марта сўроқ қилишнинг (ЖПК 111-моддаси)да белгиланган қоидаларига риоя этилган ҳолда сўроқ қилиниши керак.

Умуман тергов ҳаракатлари, фақат соат 6 дан 22 га қадар ўтказилиши керак, ЖПК 88-моддаси иккинчи қисмининг 3-бандида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Тергов ҳаракатларини юритиш тартиби ва шартларининг бузилиши прокурор ва суд томонидан гумон қилинувчига, айбланувчига нисбатан руҳий таъсир ўтказиш деб баҳоланиши мумкин. Бундай таъсир остида тўпланган маълумотлар далил кучига эга бўлмайди ва улар айблов ҳукми учун асос қилиб олинishi мумкин эмас.

21. Қонунга мувофиқ (ЖПК 20, 51, 487-моддалари) қуйидаги ҳоллар гумон қилинувчини, айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан

таъминлашга оид жиноят-процессуал қонуни нормаларининг жиддий бузилиши деб баҳоланади, агар:

унинг ўз она тилидан ва таржимон хизматидан фойдаланиш ҳуқуқи бузилган бўлса;

қонунга кўра ҳимоячининг иштироки шарт бўлган иш ҳимоячининг иштирокисиз тергов қилинган ёки судда кўрилган бўлса;

манфаатлари ўзаро қарама-қарши бўлган бир неча шахснинг ҳуқуқлари битта ҳимоячи томонидан ҳимоя қилинган бўлса;

дастлабки тергов тамомлангандан сўнг айбланувчи ишдаги барча материаллар билан таништирилмаган бўлса ва қоидабузарлик суд томонидан бартараф этилмаган бўлса;

айбланувчига айблов хулосаси топширилмаган бўлса;

ҳимоячиси бўлмаган судланувчига ҳимоя нутқи сўзлаш учун имконият, шунингдек, охириги сўз берилмаган бўлса;

иш судланувчининг иштирокисиз кўрилган бўлса (ЖПК 410-моддаси учинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно);

ишни юритишни истисно этадиган ҳолатлар мавжуд бўла туриб, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси ўтказилган бўлса.

Иш бўйича кўрсатиб ўтилган ҳолатларнинг аниқланиши суд қарорининг бекор қилинишига асос бўлади.

22. Суд тарафлар айблов моҳияти ва иш ҳолатлари юзасидан ўз важларини баён қилаётганда уларнинг музокарасини муайян муддат билан чеклаб қўймаслиги керак.

Шу билан бир қаторда, раислик қилувчи кўрилаётган ишнинг моҳиятига алоқаси бўлмаган ҳолатлар бўйича гапираётган музокара иштирокчиси сўзини бўлишга ҳақли.

23. Жиноят-процессуал кодекси 473-моддаси талабига кўра, ҳукм судланувчи билмайдиган ёки етарли даражада билмайдиган тилда баён қилинган бўлса, эълон қилинганидан сўнг, ҳукм таржимон томонидан судланувчининг она тилида ёки судланувчи учун тушунарли бўлган бошқа тилда ўқиб эшиттирилади.

Маҳкумга, оқланган шахсга тақдим этилиши шарт бўлган ҳукм ва бошқа суд (тергов) ҳужжатлари уларнинг она тилига ёки улар биладиган бошқа тилга таржима қилинган ҳолда топширилиши керак (ЖПК 20-моддаси).

Агар ушбу талабларга риоя этилмаганлиги натижасида маҳкум, оқланган шахс суд ҳукми устидан шикоят бериш имкониятидан маҳрум этилган бўлса, бу ҳолат апелляция шикояти бериш учун

белгиланган муддатни тиклаш ёки апелляция инстанцияси суди ажримини бекор қилиш учун асос бўлади.

24. Раислик қилувчи ҳукм эълон қилингандан сўнг судланувчига ва бошқа тарафларга ҳукмнинг мазмунини, унинг устидан апелляция ёки кассация шикоят бериш тартиби ва муддатларини, шунингдек суд мажлиси баённомаси билан танишиш ва унга нисбатан эътирозлар билдириш ҳуқуқини тушунтиради.

Агар судланувчи умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган бўлса, унга афв сўраб илтимос қилиш ҳуқуқи ва тартиби ҳам тушунтирилади.

25. Суд маҳкумга, оқланган шахсга, уларнинг ҳимоячилари ва қонуний вакилларига суд мажлиси баённомаси билан танишиб чиқиш учун имконият яратиши шарт. Баённоманинг қонунда белгиланган муддатдан кечикиб имзоланганлиги ҳақида процесснинг манфаатдор иштирокчилари ўз вақтида хабардор қилиниши лозим.

Агар маҳкумдан, оқланган шахсдан суд мажлиси баённомаси билан ҳимоячи иштирокида танишиш истаги борлиги тўғрисида белгиланган муддатда ариза келиб тушган бўлса, суд бу ҳақда ҳимоячини хабардор қилиши ва уларга ушбу ҳуқуқдан биргаликда фойдаланишлари учун имконият яратиб бериши керак.

Агар баённома ҳажмининг катталиги ва бошқа узрли сабаблар туфайли процесс иштирокчиларига у билан танишиш ва эътироз билдириш учун беш суткадан ортиқ вақт талаб этилса, бу муддат суд (судья) томонидан узайтирилиши мумкин.

Суд мажлиси баённомаси юзасидан тақдим этилган эътирозлар муҳим процессуал аҳамиятга эга бўлганлиги сабабли суд (судья) томонидан синчиклаб ва холисона кўриб чиқилиши лозим.

Эътирозлар тўлиқ ёки қисман рад этилган ҳолларда суд (судья) бу ҳақда асослантирилган ажрим чиқаради ва у эътирозлар билан бирга ишга қўшиб қўйилади.

Суд мажлиси баённомаси юзасидан билдирилган эътирозлар кўриб чиқилганлиги ҳақида манфаатдор шахслар хабардор қилинади.

26. Суд берилган шикоят ва билдирилган протестлар тўғрисида маҳкумларни, оқланган шахслар, ҳимоячилар ҳамда ушбу шикоят ва протест бошқа шахслардан қайси бирининг манфаатига тааллуқли бўлса, шу шахсларни хабардор қилиши ҳамда уларнинг протест ёки шикоят устидан эътироз бериш ҳуқуқини тушунтириши шарт. Шу билан бир пайтда маҳкумга, жабрланувчига ва оқланган шахсга апелляция, кассация шикоятининг ҳамда апелляция, кассация ёки

назорат тартибида берилган протестнинг нусхаси юборилади (ЖПК 479-моддаси иккинчи қисми).

Қонуннинг бу талаби бузилган тақдирда, суд уни бартараф этиш чорасини кўриши керак.

27. Суд ишнинг апелляция, кассация ва назорат инстанциясида кўрилиши куни тўғрисида Жиноят-процессуал кодекси 53-моддаси талабига кўра, маҳкумнинг ҳимоячисини ва қонуний вакилини хабардор қилиши шарт. Ушбу талабга риоя этмаслик ишни кўриш бошқа кунга қолдирилишига сабаб бўлади.

Апелляция, кассация ва назорат инстанцияси суди томонидан ишнинг ҳимоячи иштирокисиз кўрилиши, агар у суд мажлиси вақти тўғрисида тегишли равишда хабардор қилинмаган ва бу унинг суд мажлисида иштирок этиши имкониятидан маҳрум қилган бўлса, бу ҳолат жиноят-процессуал қонун талабларининг жиддий бузилиши деб ҳисобланади.

Ҳимоячининг судга келмаслиги, агар унинг тегишли равишда хабардор этилганлиги тўғрисида жиноят ишида аниқ маълумотлар бўлса ва суд мажлисини кейинга қолдириш учун асос бўлмаса, ишни унинг иштирокисиз кўришга монелик қилмайди.

Жиноят-процессуал кодексининг 51-моддасида назарда тутилган ҳолларда апелляция, кассация инстанцияси суди мажлисида ҳимоячининг иштироки таъминланиши шарт.

28. Маҳкумнинг апелляция инстанцияси судида иштирок этиши унинг ўз ҳимоя ҳуқуқини амалга ошириши нуктаи назаридан ҳам, шикоят ва протестлар ҳолис ҳал этилиши нуктаи назаридан ҳам жуда муҳимдир. Шунинг учун судлар қамокда сақланаётган маҳкумнинг уни апелляция суди мажлисига тушунтириш бериш учун чақириш тўғрисидаги илтимосномасини қаноатлантиришлари керак (ЖПК 479-моддаси тўртинчи қисми).

29. Маҳкумга (оқланган шахсга) берилган ҳимоя ҳуқуқи таъминланишининг жиддий кафолати, бу қонунга кўра (ЖПК 494, 513-моддалари) юқори инстанция суди томонидан жазонинг кучайтирилишига, оғирроқ жиноятга доир қонун нормаси қўлланилишига, шунингдек кассация ва назорат тартибида суд қарорларининг қайта кўриб чиқилишига, агар бу маҳкум (оқланган шахс) аҳволининг оғирлашишига олиб келса, айблов(оқлов) ҳукми ёки ишни тугатиш тўғрисидаги ажрим (қарор) қонуний кучга кирган кундан бошлаб, бир йил ўтгандан сўнг йўл қўйилмаслигидир.

30. Суд ҳукми ижро этиш билан боғлиқ масалаларни ЖПК 532, 542-моддалари тартибида ҳал қилишда ҳимоячининг иштирок этишига, агар бу ҳақда маҳкум, унинг қариндошлари ёки бошқа манфаатдор шахслар илтимос қилган бўлса, йўл қўйиши мумкин.

Вояга етмаган маҳкумга нисбатан, шунингдек жисмоний ёки руҳий касалликка чалинган маҳкумга нисбатан чиқарилган ҳукми ижро этиш билан боғлиқ масалалар ҳимоячи иштирокида кўрилиши шарт.

31. Жиноят-процессуал кодекси 50-моддаси тўртинчи қисмига мувофиқ суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд (судья) гумон қилинувчини, айбланувчини юридик ёрдам учун ҳақ тўлашдан батамом ёки қисман озод этишга ҳақлидир.

Бундай ҳолларда адвокат меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда давлат ҳисобидан қопланади.

Жиноят-процессуал кодекси 50-моддасига асосан юридик ёрдам учун ҳақ тўлашдан меҳнатга қобилиятсиз ва тўловга қурби етмайдиган шахслар, яъни қарамоғидаги ҳар бир шахсга тўғри келадиган жами даромади энг кам иш ҳақининг ушбу масала кўрилаётган вақт учун белгиланган миқдоридан кўп бўлмаган, бинобарин кам таъминланган фуқаролар озод қилинади.

32. Судлар ҳар бир жиноят иши бўйича суриштирув, тергов олиб боришда, шунингдек, суд муҳокамаси даврида гумон қилинувчига, айбланувчига нисбатан уларнинг Жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида ҳимоя ҳуқуқини таъминлашга оид талабларга риоя қилинганлиги масаласини синчиклаб текширишлари ва йўл қўйилган қонун бузилиши ҳоллари юзасидан хусусий ажрим чиқариш орқали муносабат билдиришлари шарт.

33. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги "Ҳимоя ҳуқуқини таъминловчи қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида"ги 41-сонли қарори ҳамда 1999 йил 24 сентябрдаги "Судлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги 41-сонли "Ҳимоя ҳуқуқини таъминловчи қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида"ги қарорининг бажарилиши тўғрисида"ги 17-сонли қарори (унга Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги 10-сонли қарори билан киритилган қўшимча ва ўзгаришлар билан) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ СУДИ ПЛЕНУМИНИНГ
ҚАРОРИ
01.06.2001 й.
№ 5

**ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИ АПЕЛЛЯЦИЯ,
КАССАЦИЯ ВА НАЗОРАТ ТАРТИБИДА
ҚЎРИШ АМАЛИЁТИ ҲАҚИДА**

Мазкур Қарорга қуйидагиларга мувофиқ ўзгартиришлар киритилган:

ЎзР ОС Пленумининг 14.06.2002 й. 10-сон Қарори,

ЎзР ОС Пленумининг 19.12.2003 й. 20-сон Қарори

Жиноят ишларини апелляция, кассация ва назорат тартибида қўриш, суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини юқори босқич судлари томонидаи текшириш турлари бўлиб, йўл қўйилган суд хатоликларини бартараф этишга қаратилгандир.

Жиноят судловига апелляция институтининг киритилиши фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини суд йўли билан ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтиради.

Судлар томонидан Жиноят-процессуал қонунлари асосан тўғри қўлланилаётган бўлса-да, айрим ҳолларда қонунларни татбиқ этишда чалкашликка йўл қўйилаётганлиги натижасида қонун талабларига мос келмайдиган қарорлар чиқарилмоқда.

Ишларни апелляция, кассация ва назорат тартибида қўришда юзага келган муаммоларни ҳал қилиш ва суд жарёнининг мазкур босқичларида ягона суд амалиётини таъминлаш мақсадида, "Судлар тўғрисида"ги Қонуннинг 17-моддасига асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Жиноят ишларини апелляция, кассация ва назорат тартибида қўриш суд хатоларини бартараф этиш орқали одил судлов самарадорлигини оширишнинг кафолати эканлигига судларнинг эътибори қаратилсин.

2. Тушунтирилсинки, ЖПКнинг 497-2, 497-9, 498, 510, 511 ва 516-моддаларида суд қарорлари устидан белгиланган тартибда

шикоят бериш ёки протест билдиришга, шунингдек, суд қарорларини назорат тартибида қайта кўриб чиқишни илтимос қилишга ҳақли бўлган процесс иштирокчилари ва шахслар қатъий белгиланган бўлиб, бундай шахслар доирасини кенгайтириб талқин қилишга йўл қўйилмайди.

3. Юқори босқич судлари, қуйи судлар томонидан ишларни апелляция, кассация тартибида кўришга расмийлаштиришда Жиноят-процессуал кодексининг 473-моддасининг 4-қисми, 479, 497-2, 497-6, 497-9, 498-моддаларида қайд этилган қуйидаги талабларнинг бажарилганлигини текширишлари шарт:

- тарафларга ҳукмнинг мазмуни, ҳукм устидан улар истаги бўйича апелляция ёки кассация тартибида шикоят бериш муддати ва тартибининг тушунтирилганлигини;

- тушган шикоят ёки протест кимнинг манфаатларига тааллуқли бўлса, уларга бу ҳақда маълум қилинганлигини;

- суд қарорларининг нусхалари судланган (маҳкум)га, жабрланувчига, оқланган шахсга топширилганлигини;

- улар ва бошқа манфаатдор шахслар шикоят ёки протест билан, шу жумладан, қўшимча тақдим этилган ҳужжатлар билан танишганлигини ва ўз эътирозларини билдирганлигини;

- апелляция ёки кассация шикояти берган шахс, шунингдек, берилган шикоят ёки протест кимнинг манфаатларига тааллуқли бўлса, шу процесс иштирокчилари ишнинг кўрилиш вақти ва жойи ҳақида тегишли тартибда хабардор қилинганликларини;

- судланган (маҳкум), оқланган шахс, уларнинг ҳимоячилари ва қонуний вакиллари, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ҳамда уларнинг вакиллари ишнинг юқори инстанция судида кўрилишида иштирок этишлари мумкинлиги тўғрисидаги қонун талабларининг бажарилганлигини ва ҳ.к.

4. Жиноят-процессуал қонунчилигида назарда тутилган ҳимояланиш ҳуқуқи процесс иштирокчиларининг барчасига нисбатан иш юритишнинг ҳар қандай босқичида ҳам таъминланиши шартлигидан ҳамда судда жиноят ишларининг ошкора кўрилиши, тарафларнинг ўзаро тортишуви ва бошқа тамойилларнинг мавжудлигидан келиб чиқиб, процесс иштирокчилари жиноят иши юзасидан берилган шикоят, билдирилган протест ва тўпланган ҳар қандай қўшимча ҳужжат билан танишишга ва ўз эътирозларини билдиришга ҳақлидирлар. Аммо, уларга бундай мажбуриятларни юклаш қонунга зиддир.

Шунинг билан биргаликда, ишни судда кўришга асос бўлувчи шикоят ёки протестда оғирроқ жиноятга доир қонунни қўллаш зарурлиги, жазони кучайтириш ёки судланган (маҳкум), оқланган шахснинг аҳволини оғирлаштирадиган бошқа ўзгаришлар назарда тутилган бўлса, шикоят (протест) ёхуд уларнинг нусхалари судланган (маҳкум), оқланган шахсга тегишли тартибда тақдим этилиб, унинг эътирознома билдириш ҳукуқи реал таъминлангандагина жиноят ишининг апелляция, кассация ёки назорат тартибида кўрилишига йўл қўйилиши тушунтирилсин.

5. Ишнинг кўрилишини бошқа кунга қолдиришга фақат узрли сабаблар бўлганда йўл қўйилади. Процесс иштирокчиси бўлган шахслар, ўз вақтида ва тегишли тартибда огоҳлантирилган бўлишига қарамасдан, судга келмасалар ва келмаслик сабаблари узрли эканлиги ҳақида бирор-бир тарзда маълум қилмаган бўлсалар, ишни уларнинг иштирокисиз кўриш масаласи ҳал қилиниб, бу ҳақдаги суднинг ажрими суд мажлиси баённомасида кўрсатилиши лозим.

6. Жиноят-процессуал кодексининг 497-11, 506 ва 516-моддаларига асосан, апелляция, кассация ва назорат инстанция судлари суд мажлисига судланган (маҳкум), оқланган шахс, жабрланувчи, гувоҳ, эксперт ва зарурат бўлса, бошқа шахсларни чақириш тўғрисида асослантирилган ажрим чиқариш масаласини иш ҳолатларидан ва процессуал қонунлар (Жиноят-процессуал кодексининг 46, 55 ва 479-моддалари) мазмунидан келиб чиққан ҳолда ҳал қиладилар.

Қонун (Жиноят-процессуал кодексининг 497-9-моддаси 3-қисми, 497-11-моддаси 1-қисми) мазмунига кўра, мазкур ажримлар устидан шикоят ёки протест келтириш мумкин эмас. Буларга қарши эътирозлар назорат тартибидаги шикоятга ёки протестга киритилиши мумкин.

7. Қонун мазмунидан апелляция тартибида кўрилган ишлар кассация тартибида кўрилмаслиги келиб чиқса-да, судлар бунинг бир томонлама тушунмасликлари керак. Муайян шахсга нисбатан ва айни бир асос бўйича апелляция тартибида кўрилган ишларгина кассация тартибида кўрилмайди.

8. Жиноят-процессуал кодексининг 497-9-моддаси 4-қисмига кўра, иш бўйича тараф ҳисобланмаган шахслар ҳам биринчи инстанция судининг ажрими устидан, башарти ажрим уларнинг манфаатларига дахлдор, яъни, масалан, уларга нисбатан жиноят иши қўзғатилган, хусусий ажрим чиқарилган бўлса, шикоят беришга

ҳақлидир. Бундай ҳолатда, шикоят бериш учун белгиланган ўн кунлик муддатнинг бошланиши ажрим нусхаси мазкур шахслар томонидан олинган кундан ҳисобланади.

9. Бирор сабаб билан айрим шахслар томонидан ўз муддатида берилган апелляция шикояти ёки протести апелляция инстанция судига бошқа шахсларнинг жиноят иши кўриб бўлингандан кейин келиб тушса ёки ўтказиб юборилган муддат Жиноят-процессуал кодексининг 497-5-моддасида назарда тутилган тартибда суд томонидан тикланса, апелляция инстанция суди бундай шикоят ёки протестни кўриб чиқиши ва у бўйича ажрим чиқариши шарт.

Иш кассация тартибида кўриб чиқилгандан сўнг келиб тушган шикоят ёки протестни кўриб чиқиш ва у бўйича ажрим чиқариш масаласи Жиноят-процессуал кодексининг 508-моддаси асосида ҳал қилинади.

Бундай ҳолларда кейинги ажрим аввал чиқарилган ажримга зид бўлса, иш бир ёки ҳар иккала ажрим устидан протест билдириш масаласини ҳал қилиш учун назорат тартибида протест келтириш ваколатига эга бўлган суд раисига юборилади. Ишни қўшимча кўриш тартиби кечикиб келган хусусий шикоят ёки хусусий протестни ҳал қилишга ҳам тааллуқлидир.

10. Суд, ишни апелляция, кассация ва назорат тартибида кўришда Жиноят-процессуал кодексининг 482-моддаси талабларига кўра, шикоят ёки протестда баён этилган важлар билан чегараланмасдан, ишни барча маҳкум (оқланган шахс)ларга, шу жумладан, шикоят бермаган ҳамда устидан шикоят ёки протест билдирилмаганларга нисбатан ҳам тўла ҳажмда текширишга мажбур.

Бунда, қуйи босқич суди томонидан йўл қўйилган моддий ва процессуал қонун бузилишлари, бу ҳақда шикоят ёки протестда кўрсатилган-кўрсатилмаганлигидан қатъи назар, бартараф қилиниши шарт.

11. Агар, биринчи инстанция суди томонидан йўл қўйилган камчиликларни тўлдириш ва процессуал қонун бузилишларини бартараф этиш имконияти бўлса, апелляция инстанцияси суди тўлиқ ёки қисман, кассация ва назорат инстанцияси судлари эса қисман суд тергови ўтказиш ва ҳукмга ўзгартиришлар киритишга ҳақлидир.

Жиноят-процессуал кодексининг 490-моддасининг 2-қисмида назорат инстанцияси суди жиноят ишини назорат тартибида кўриб, апелляция ёки кассация ажримини бекор қилиш, шунингдек, агар, кейин суд қарорлари чиқарилган бўлса, уларни ҳам бекор қилиш ва

ишни янгидан апелляция ёки кассация тартибида кўриб чиқишга юбориши белгиланган. Мазкур қоида назорат инстанцияси судининг маҳкум (оқланган шахс)нинг аҳволини оғирлаштирмайдиган ҳолатларда суд ажрими ва қарорларини ўзгартириш ваколатини (Жиноят-процессуал кодексининг 521-моддаси) истисно этмайди.

12. Юқори инстанция суди, асослар мавжуд бўлган тақдирда, маҳкумни ўта хавфли рецидивист деб топишга, унга тарбия колонияси ёки жазони ижро этиш колониясининг оғирроқ турини белгилашга, жиноят оқибатида етказилган зарарни қоплаш миқдорини иш ҳужжатларига асосан кўпайтиришга, ҳукмнинг айрим маҳкумларга қўйилган айблов қисмини ёки фуқаровий даъво қисмини бекор қилишга ёки ўзгартиришга ҳақлидир.

Суд жиноят ишини апелляция, кассация ёки назорат тартибида кўрган вақтида жазони кучайтиришга, шунингдек, оғирроқ жиноятга доир қонун моддаларини қўллашга ҳақли эмас.

ЎЗР ОСП 19.12.2003 й. 20-сон Қарорига мувофиқ 12 банднинг учинчи хат боши чиқарилган.

Қўйи босқич судининг Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 45, 59-моддасининг 4-қисми, 60-62, 96-моддаларини қўллашда, шунингдек, амнистия актини татбиқ этишда йўл қўйган хатолари юқори инстанция суди томонидан бартараф қилиниши судланган (маҳкум)нинг аҳволини оғирлаштириш деб баҳоланмаслиги ва бу хусусда қонунда тақиқ мавжуд эмаслиги судларга тушунтирилсин.

Шунингдек, маҳкумнинг аҳволини оғирлаштирадиган ўзгаришлар назарда тутилган бўлса, суд қарорларини назорат тартибида қайта кўриб чиқишга улар қонуний кучга кирганидан кейин бир йил мобайнидагина йўл қўйилишига эътибор қаратилсин (Жиноят-процессуал кодексининг 513-моддаси) (ЎЗР ОС Пленумининг 14.06.2002 й. 10-сон Қарори таҳриридаги хат боши)

13. Юқори босқич суди, зарурат туғилганда, Жиноят-процессуал кодексининг 541, 542-моддаларида кўрсатилган тартибда, ҳукм, ажрим ва қарорнинг моҳиятига дахл қилмайдиган ва маҳкумнинг аҳволини оғирлаштирмайдиган ҳолатда суд қарорларидаги шубҳа ва ноаниқликларни бартараф қилади.

Шунингдек, қонуний кучга кирган суд қарорларидаги амнистия актини татбиқ этишга оид ноаниқликлар Жиноят-процессуал кодексининг 541-моддаси асосида ҳукм, ажрим ва қарорнинг ижросига тааллуқли масалаларни ҳал этган тартибда қўшимча ажрим

ёки қарор чиқариш йўли билан ҳам ҳал қилиниши мумкин бўлиб, бунда протест билдирилиши талаб этилмайди.

14. Юқори босқич суди шахсинг қилмишлари нотўғри квалификация қилинган деган тўхтамга келса, уни тегишли жиноят қонунига қайта квалификация қилади. Қайта квалификация қилингани қонун бўйича қилмиш учун жавобгарликка тортиш муддати ўтган бўлса ёки амнистия акти асосида жиноят иши қўзғатилмаслиги тақозо этилса, Жиноят-процессуал кодексининг 84-моддаси 1-қисмининг 1, 2-бандлари асосида иш тугатилади.

Айбдорни жиноий жавобгарликдан озод қилувчи амнистия актига зид равишда ёки жиноий жавобгарликка тортиш муддати ўтганидан сўнг жиноят иши қўзғатилган ва юритилган тақдирда, маҳкум, гарчанд, жазони ўташдан озод қилинган бўлса-да, айблов ҳукми бекор қилиниб, иш тугатилади.

15. Судланган ёки бошқа процесс иштирокчилари томонидан апелляция шикояти берилган ёки протест билдирилгандан сўнг, иш ҳали апелляция тартибида кўрилмасдан судланган шахс вафот этса, ишни текшириш натижасида уни оқлаш (реабилитация қилиш) учун асослар топилган тақдирдагина, мазкур шахсга нисбатан ишни юритиш умумий асосларга кўра давом эттирилиши мумкин. Акс ҳолда, Жиноят-процессуал кодексининг 84-моддаси 1-қисмининг 3-бандига биноан жиноят иши тугатилади.

Бундай ҳолда ашёвий далилларнинг тақдири билан боғлиқ масалалар Жиноят-процессуал кодексининг 211-моддаси тартибида, қайд этилган масалалар юзасидан низо келиб чиққанда эса, фуқаролик иш юритуви тартибида ҳал қилинади. Маҳкум (марҳум)нинг қилмишлари билан етказилган зарарни ундириш масаласи эса Фуқаролик-процессуал кодексининг тегишли моддасига биноан жабрланувчи ёки прокурор томонидан унинг ворисларига ёки мулкани идора этишни ўз зиммасига олган шахсларга нисбатан берилган даъво аризаси бўйича кўрилиши мумкин.

16. Назорат инстанцияси судида жиноят ишлари Жиноят-процессуал кодексининг 506-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ кўрилади. Жумладан, ушбу моддада судьялар маслаҳатлашувининг сир сақланишига риоя этиш кўзда тутилганлигини эътиборга олиш зарур. Зеро, Жиноят-процессуал кодексининг 487-моддасига биноан, судьялар маслаҳатлашуви сир сақланишининг бузилиши жиноят-процессуал қонунининг жиддий бузилиши ҳисобланади.

17. Жиноят-процессуал кодексининг 500 ва 513-моддалари мазмунидан келиб чиққан ҳолда маҳкумнинг аҳволини оғирлаштирувчи асослар бўйича судларнинг ҳукм, ажрим ва қарорларини, улар қонуний кучга киргандан кейин бир йил вақт ўтгач кассация ва назорат тартибида қайта кўриб чиқишга йўл қўйилмайди. Жумладан:

- шахснинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотиши муносабати билан уни жазодан озод қилиниши (Ўзбекистон Республикаси ЎЗР ЖКнинг 70-моддаси);

- айбдорнинг чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги муносабати билан жазодан озод қилиниши (Ўзбекистон Республикаси ЎЗР ЖКнинг 71-моддаси);

- маҳкумнинг жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиниши ёки жазони енгилроғи билан алмаштирилиши (Ўзбекистон Республикаси ЎЗР ЖКнинг 73, 74-моддалари);

- маҳкумнинг касаллик ёки меҳнат қобилиятини йўқотиш оқибатида жазодан озод қилиниши (Ўзбекистон Республикаси ЎЗР ЖКнинг 75-моддаси);

- маҳкумнинг амнистия акти ёки авф этиш асосида жазодан озод қилиниши (Ўзбекистон Республикаси ЎЗР ЖКнинг 76-моддаси);

- судланганликнинг олиб ташланиши (Ўзбекистон Республикаси ЎЗР ЖКнинг 79-моддаси);

- шунингдек, ҳукм, ажрим ва қарорларни ижрога қаратишга тааллуқли айрим (Жиноят-процессуал кодексининг 541-моддаси) масалалар (озодликдан маҳрум этишга шартли равишда ҳукм қилинганда синов муддатини қисқартириш; маҳкумга ҳукмда белгиланган жазони ўташи учун енгилроқ тартибли колонияга жўнатиш ёки кўчириш, ахлоқ тузатиш ишлари ўталган вақтни умумий меҳнат стажига қўшиш) ва ҳоказолар.

18. Суд қарорларини оғирлаштирувчи ҳолатларда қайта кўриб чиқишга йўл қўйиладиган бир йиллик муддат (Жиноят-процессуал кодексининг 500 ва 513-моддалари) қайта кўриб чиқиш тўғрисида муносабат билдирилаётган суд қарори қонуний кучга кирган кундан бошланиши тушунтирилсин.

19. Жиноят ишининг назорат тартибида қайта кўрилишига фақат ишдаги ҳужжатлардан келиб чиқадиган асослар мавжуд бўлгандагина йўл қўйилади. Суд қарорларининг қонунийлиги ва асослилигини шубҳага солувчи ҳолатлар, улар қонуний кучга киргандан кейин аниқланган бўлса, бундай суд қарорини қайта кўриб чиқиш масаласи,

фақат, янги очилган ҳолатлар муносабати билан иш юритиш тартибида ҳал этилиши мумкин. Агарда, шу кўрсатилган ҳолатларда назорат тартибида протест келтирилган бўлса, назорат босқич суди протестни қаноатлантирмасдан қолдириб, ишни барча ҳужжатлар билан бирга янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни кўзғатиш учун прокурорга юборади.

20. Апелляция ва кассация босқич судлари Жиноят-процессуал кодексининг 487-моддасида кўрсатилган ҳукмни бекор қилинишига сабаб бўладиган жиддий қонун бузилишларини аниқласа, бу қонун бузилишлари иш бўйича ўтаётган шахсларнинг қайси бирига тааллуқлилигидан, яъни, уларга нисбатан шикоят ёки протест мавжуд ёки йўқлигидан қатъи назар, ҳукм барчасига нисбатан бекор қилиниши лозим.

21. Суд ишни қўшимча терговга ёки янгидан судда кўриш учун юбораётганида судланувчига қўйилган айбнинг исботланганлиги ёки у ёки бу далилнинг ишончлилиги, бир далилнинг иккинчисидан афзаллиги, қилмишнинг у ёки бу жиноят қонуни билан квалификация қилиниши лозимлиги ва жазо чораси ҳақида олдиндан хулоса қилишга ҳақли эмас.

Ҳукмни бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун судга юбораётиб, юқори босқич суди ўз қарорида қайси ҳолатлар ҳукмни бекор қилинишига сабаб бўлганлигини ва уларни бартараф этиш йўллари кўрсатиши зарур.

Ҳукмни ёки ажримни бекор қилиб, ишни қўшимча терговга юбораётганда, юқори босқич суди, айнан қандай ҳолатлар тергов йўли билан қўшимча аниқланиши кераклигини бундай ҳолатларни суд йўли билан аниқлаш имкони йўқлигини кўрсатиши, шунингдек, аввал қўлланилган эҳтиёт чорасининг мақсадга мувофиқлигини, уни ўзгартириш, масалан, гаров тариқасидаги эҳтиёт чорасини қўллаш имкониятлари бор ёки йўқлигини, албатта муҳокама қилиши шарт.

22. Жиноят иши бўйича тўпланган қўшимча далил ва ҳужжатлар, судда текширилган ҳолатларга тааллуқли бўлса ва янги очилган ҳолатлар мавжудлигидан далолат бермаса, улардан фойдаланиш мумкин.

Қўшимча ҳужжатлар Жиноят-процессуал кодексининг 149, 170, 290 ва 398-моддаларида назарда тутилган (мурдани эксгумация қилиш, телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш; мол-мулкни хатлаш, мулкий зарарни қоплашни ва мол-мулкни мусодара этишни

таъминлаш) процессуал ҳаракатларни ўтказишни тергов органининг зиммасига юклаш йўли билан ҳам тўпланиши мумкин.

Қўшимча ҳужжатларга ишдаги мавжуд далиллар билан бирга баҳо берилиши лозим. Улар ҳукм, ажрим ва қарорни ўзгартириш ёки бекор қилишга асос қилиб олинishi мумкин.

Қўшимча тақдим этилган ҳужжатлар процессуал қонун талабларига риоя этилган ҳолда олинган ёки тўпланган бўлсагина, улар суд томонидан ҳуқуқий аҳамиятга молик ҳужжат, шу жумладан, далил сифатида баҳоланиши мумкин.

23. Агар, маҳкумнинг бир неча эпизоддан иборат жиноий қилмишлари бир хилда квалификация қилинган бўлиб, ишни апелляция, кассация ва назорат босқичида кўришда эълон қилинган айб эпизодларидан бири ёки бир нечтаси ўзининг тасдиғини топмаса (масалан, шахсни бир неча марта пора олганликда айбдор деб топиш) ва бу ҳолат қўшимча текширишни талаб қилмаса, суд ушбу эпизодларни судланувчининг айбидан чиқариб, ишнинг шу қисмини тугатиши мумкин.

Агар, маҳкум бир неча жиноятларни содир қилганликда айбдор деб топилган ва уларнинг ҳар бири қонуннинг тегишли моддаси билан квалификация қилинган бўлиб, алоҳида кўрилиши мумкин бўлса, юқори босқич суди ҳукми бир ёки бир неча жиноятлар қисми бўйича бекор қилиб, ишни янгидан кўриш ёки қўшимча тергов ўтказиш учун юборишга ва ҳукмнинг бошқа қисмини ўзгаришсиз қолдиришга ҳақли.

24. Жиноий қилмиш жиноят қонунининг бир моддасидан унча оғир бўлмаган жиноятларни назарда тутувчи бир неча моддасига қайта квалификация қилинганда, агар, бу судланган (маҳкум)нинг аҳволини оғирлаштирмаса ва унинг ҳимоя ҳуқуқини бузмаса, юқори босқич суди Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида жазо тайинлайди. Бу жазо биринчи босқич суди томонидан тайинланган жазодан оғир бўлмаслиги лозим.

25. Апелляция, кассация ва назорат инстанцияси суди маҳкумга тайинланган жазони енгиллаштириш масаласини ҳал қила туриб, Жиноят-процессуал кодексининг 482-моддасига мувофиқ, нафақат жазони камайтириши, балки, бошқа енгилроқ жазо турига алмаштириши ҳам мумкин. Бу ҳолатда, қонун доирасида тайинланадиган енгилроқ жазонинг муддати ҳукм бўйича тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг муддатидан

ортиқроқ бўлиши ҳам мумкин (масалан, бир йил озодликдан маҳрум қилинган шахсга суд уч йил ахлоқ тузатиш иши тайинлашга ҳақли).

Судланган (маҳкум)га нисбатан асосий жазо камайтирилганда, шу жумладан, қонунда белгилангандан кўра енгилроқ жазога алмаштирилганда ҳам, ҳукмнинг қўшимча жазо тайинлаш (муайян ҳуқуқдан, ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш каби) қисми ўзгаришсиз қолдирилиши мумкин. (ЎзР ОС Пленумининг 14.06.2002 й. 10-сон Қарори таҳриридаги хат боши)

26. Ишни кўриш вақтида судланган (маҳкумнинг содир этилган жиноятга даҳли бўлмаганлиги сабабли ҳукм бекор қилиниб жиноят иши тугатилса, жавобгарликка тортилиши лозим бўлган шахсни аниқлаш масаласини ҳал этиш учун суд, жиноят ишини прокурорга юбориши керак.

27. Юқори босқич суди суриштирув, дастлабки тергов органлари ва судлар томонидан жиноят судлов ишларини юргизишда жабрланувчининг иштирокини тартибга солувчи қонунларга риоя қилинганлигини синчиклаб текшириши, йўл қўйилган қонун бузилишларини эътиборсиз қолдирмаслиги лозим.

Жабрланувчини процессуал ҳуқуқларидан маҳрум қилиш ёки уларга чеклаш ишнинг ҳар томонлама, тўла ва холисона кўрилишига ҳалал берган ҳамда қонуний, асосли ва адолатли суд қарори чиқарилишига таъсир қилган бўлса, бу ҳолат суд қарорининг бекор қилинишига сабаб бўлувчи жиддий қонун бузилиши деб баҳоланиши мумкин (Жиноят-процессуал кодексининг 487-моддаси).

28. Апелляция, кассация ва назорат босқич судларининг қарорлари аниқ, тушунарли, изчил ифодаланган, мантикий ва ҳуқуқий асослантирилган бўлиши ҳамда Жиноят-процессуал кодексининг 496-моддасида назарда тутилган ҳолатларни, албатта акс эттирган ҳолда тузилган бўлиши шарт. Бу талабларнинг бажарилмаганлиги уларни ўзгартириш ёки бекор қилишга асос бўла олади.

29. Апелляция, кассация ва назорат инстанцияси суди Жиноят-процессуал кодексининг 298 ва 300-моддаларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда, шунингдек, суриштирув, дастлабки тергов жараёнида ва суд муҳокамасида йўл қўйилган камчиликларга тегишли мансабдор шахсларнинг эътиборини қаратиш зарур бўлганда, хусусий ажрим чиқаради. Бироқ, юқори босқич суди, ўзгартирилмасдан қолдирилган суд қарорининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигига шубҳа туғдирувчи хусусий ажрим чиқаришга ҳақли эмас.

30. Жиноят-процессуал қонунчилигидаги ўзгаришлар амалга киргунга қадар (2001 йил 27 февралгача) кассация ёки назорат тартибида муносабат билдирилмаган жиноят ишлари кассация тартибида кўрилиши мумкин.

31. Жиноят ишлари бўйича вилоят ва унга тенглаштирилган судларнинг Раёсатлари муайян ишга назорат тартибида кўриш чоғида, мазкур ишни кўришда иштирок этиши мумкин бўлмаган судьяларни ҳисобга олмаган ҳолда, қолган Раёсат аъзоларининг кўпчилиги ҳозир бўлган тақдирда ҳам ваколатли ҳисобланади.

32. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1995 йил 20 декабрдаги "Жиноят ишларини судлар томонидан кассация ва назорат тартибида кўриш амалиёти тўғрисида"ги 43-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Мамадиев Сарвар Носиржонович

ДАЛИЛЛАР НАЗАРИЯСИ МУАММОЛАРИ

Ўқув-услубий мажмуа

Муҳаррир: ***Ш.Исмадова.***

Техник муҳаррир: ***А.Боймаматов.***

Компьютерда саҳифаловчи: ***Ю.Середнякова.***

Босишга рухсат этилди:

Ҳажми: б.т. Адади: Буюртма: №
ТДЮИ кичик босмахонасида босилди.
Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ 35.